БИР ГРАММ ҲАМ ПАХТАНИ ЕРДА ҚОЛДИРМАЙЛИК

ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ, ҚАЛБ ҚЎРИ БИЛАН ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛНИ ТЕЗ ВА СИРА НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ҲАММАМИЗНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗДИР. ПАХТА УЧУН КУРАШДА ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАСИН.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 227 (5576).

19 НОЯБРЬ ПАЙШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

Съездолди социалистик мусобақасини авж олдираётган Оҳангарон районидаги Ғаллақудуқ совхози сут-товар фермаси чорвадорлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлатга сут сотиш йиллик план ва мажбуриятларини ошириб бажардилар.

Зиммага олинган 300 тонналик социалистик мажбурият 320 тонна қилиб бажарилди. Давлат қабул пунктларига ана шунча сермаҳсул сут топширилди. Ҳар бир бош сигирдан 3100 литрдан ошириб сут соғиб олинди.

Совхоз сут-товар фермасида илғор чорвадорлар кўп. Область Советининг депутати, моҳир сут соғувчи Каромат Толимбекова ўз қарамоғидаги 25 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4000 литрдан ошириб сут соғиб олди. Ҳамкасблари Шарифа Тулеббева, Жумагул Эргенбоева, Жамила Жонузоқова каби соғувчилар ҳам меҳнатда намуна кўрсатмоқдалар.

Ўзаро социалистик мусобақани яхши йўлга қўяётган чорвадорлар беш йиллик давлат планини 3,5 йилдаёқ ошириб адо этган эдилар. Улар салкам бир ярим йилдан бери ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширишмоқда. Чорвадорлар қишловни намунали ўтказиш, маҳсулот миқдорини янада оширишга катта эътибор беришмоқда. Улар бу йил бир ярим йилга етадиган ем-хашак жамғариб қўйдилар.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

ПАХТА УЧУН КУРАШ — УМУМХАЛҚ ИШИ!

Қиш. Қор. Совуқ. Ҳамма ер музлаган. Лекин пахтамиз, озми-кўпми картошка, сабзавот далада, қор тагида.

Жасорат, мардлик ва қаҳрамонлик энг ажойиб фазилати бўлган совет кишиларининг кучли иродасини ҳеч ким, ҳеч нарса буколмайди. Ўзбек деҳқони: пахтакор, боғбон ва чорвадор бундай қийинчиликларни биринчи марта кўраётгани йўқ.

Баҳор, ёз, куз хавоси паст келиб, гоҳ сув танқислиги юз берган, гоҳ сел ва жала экинларни нобуд қилиб, икки-уч мартадан чигит экилган, табиий офат, жазирама ёз — қирқ-қирқ беш даража иссиқ ҳаммаёққа оташ нафаси билан олов уфурган кунлар ва ойларни кўп кўрганмиз. Шундай пайтларда баҳодир халқимиз сабот-матонат, ақл-идрок билан иш тутди. Ёвга қарши отланган Алпомишлардек, дарёларни бўғиб, ҳаёт суви келтирган Фарҳодлардек жасорат кўрсатди.

Ҳозир пахтазорлар ана шундай мардлар, баҳодирлар майдони. Каттадан кичик ҳамма шу ерда. Ишчи ҳам, студент ва хизматчи ҳам, раҳбар ходим ҳам шу ерда. Деҳқон билан елкадош, ҳамнафас. Улар бу ерга қалб амри билан, партия даъвати билан келганлар. Ҳамманинг диққат-эътибори деҳқон пешона тери билан етилтирилган бебаҳо олтин дурдонамизнинг бир граммини ҳам ерда қолдирмай, тезроқ йиғиб-терib олишга қаратилгандир.

Шу кунларда қишлоқларда эмас, ҳатто шаҳарларда жонговар иш вазияти. Ҳафталик план ва топшириқларини шараф билан бажараётган, партия ва давлат ишларини жонбозлик билан адо этаётган ишчилар, хизматчилар дам олиш кунларини уйларида эмас, пахтазорда — деҳқонлар орасида ўтказмоқдалар. «Оқ олтин»имиз ерда, қор тагида қолиб кетса ким, қайси юрак чидаб туради. Пахта эл ва юртимизнинг бебаҳо бойлиги эканлигини, шу пахта туфайли ҳаётимиз, турмушимиз фаровон, элимиз обод эканлигини ҳаммаҳамма яхши тушунади. Коинотни забт этаётган қаҳрамон лочинлар, океан ва дарёларни жиловлаётган азаматлар, қудратли техникаларни бунёд этаётган олимлар, тинч ва осойишта ҳаётимизни ҳушёрлик билан қўриқлаб турган Ватан ўғлонлари, дўстларимиз, қардошларимиз пахтадан улкан хирмонлар бунёд этаётган ўзбек деҳқонларига тасаннолар демоқдалар.

ҲАММАМИЗ ПАХТАКОРМИЗ! Республикамизда яшаётган ҳар бир меҳнат аҳли пахтакор. Пахта тайёрлаш қандай бораётганлиги тўғрисидаги маълумотлар, кундалик ўсиш ҳаммамизни қизиқтиради. Ўтган шанба, якшанба куни шаҳар оппоқ қор билан қопланди. Қирчиллама қиш. Лекин пойтахт аҳли эрта саҳардаёқ колхоз, совхозларга отланди. Ташкилотлар, корхона ва муассасалар, идоралар ёнида автобуслар қатор тизилган. Жомакорларни кийиб олган юзлаб кишилар сафарбарлик хис-туйғуси билан пахтазорларга ошиқардилар. Машиналар карвони турли районлар томон йўл олди. Автобуслар кетидан автобуслар ўтиб бормоқда. Бу вазиятни кўрган ҳар бир киши халқимизнинг юксак онглилиги, оташин ватанпарварлигига, унинг жасоратига қойил қолади.

Бир воқеа жуда ҳам характерлидир. Янгийўл районидаги Ленин номли, Ҳамроқул Турсунқулов номли, «Коммунизм», «Ленинизм» колхозлари ва бошқа хўжаликлар даласида уч юзлаб, тўрт юзлаб шаҳарликлар пахта термоқда. Гарчи бу район йиллик планни 123 процентдан ошириб бажарган бўлса ҳам, далада ҳосил кўп. Меҳнат ғайрати бир маромда ҳам тинмайди. Пахта, кўсак ва кўраклар қор остида. Нима қилиш керак? Бу аҳвол ҳеч кимни чўчитмади. Ҳамма тўё жангга отланган солдатдек пахтазор оралаб кириб кетди. Улар қор босган ғўзаларни тиклаб, пахта ва кўрак тера бошладилар. Ер зах, лой, совуқ, қор. Бу аҳвол бирон кишининг ҳам шижоатига тўсиқ бўла олмади. Тушгача ҳар бир киши йиғирма килограммдан ошириб пахта, эллик килограммдан ошириб кўсак терди. Кечгача бориб, янги хирмон бунёд этилди.

Бу вазиятни областимизнинг ҳар бир районида, хўжалигида кўриш мумкин эди. Шу кунги меҳнат, халқимизнинг матонати деҳқонлар қалбини беҳад шод этди, тоналар ёнига янги тоналар қўшилди. Илғор хўжаликлар ҳатто социалистик мажбуриятларини ҳам бажарган бўлсаларда, кунига 0,30—0,50 процентга етказиб пахта топширмоқдалар. Улар уддабуррослик, уюшқоқлик, саботматонат билан иш олиб бормоқдалар. Ҳар қандай обу-ҳаво шароитига қарамай, пахта тайёрлашни ташкилий равишда амалга оширмоқдалар. Кўрак чувиш машиналари, сушилкалар кечаю-кундуз ишлаб турибди. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Бу фактлар далаларда ҳали териб олинмаган пахта ва кўсаклар қўшлигини кўрсатиб турибди. Илғорлар тажрибаси, йиғим-терим ишларини юксак уюшқоқлик билан ташкил этганликлари ҳаммага намуна бўлмоғи керак.

Республикамиз, шу жумладан областимиз Ватан олдида юксак социалистик мажбурият олган. Бу — ҳар биримизнинг, ҳар бир коммунист, комсомол, ҳар бир совет кишисининг муқаддас ва шарафли бурчидир. Жангларда, курашларда тобланган Ўзбекистон партия ташкилоти ҳар соҳада бўлганидек, пахтачилик соҳасида ҳам халқимизнинг меҳнати, кураш ва бунёдкорлик ишларига бошчилик қилмоқда. Унинг раҳбарлик, ташкилотчилик, уюштирувчилик қобилияти ва маҳоратини ҳар кун, ҳар соат сезиб турибмиз. Бу билан фахрланамиз. Партия даъвати, партия чақириғи бизни янги ишларга илҳомлантиради, кучимизга куч, қувватимизга қувват қўшади.

Деҳқон ҳам, ишчи ва зиёли ҳам, бутун касб эгалари, шаҳар аҳолиси пахтазорга отланган экан, бу уларнинг Ватанга, партия ва ҳукумат ишига садоқатининг намойиши. Бу — уларнинг жонажон мамлакатимизнинг равнақи йўлида, халқимиз фаровонлиги йўлида ҳар қандай кураш ва жасоратга, улкан ишларни амалга оширишга тайёр эканлигини кўрсатувчи ёркин мисолдир. Умид ва истагимиз, мақсад ва интилишимиз юксак. Ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгган халқимиз, бу йилги юз берган вазиятни ҳам қаҳрамонона енгиб, белгиланган манзил сари дадил бораверади.

Забардаст беш йиллик якунлаймоқда. Ҳамма ерда меҳнат шавқи-завқи. Фабрика ва заводлар, колхоз ва совхозлар йиллик планларини муддатидан илгари бажариб, социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этганликлари ҳақида ғалаба рапортлари бермоқдалар. Йиллик планни адо этиб, юксак мажбурият чўққилари сари ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, улкан «оқ олтин» хирмонлари уйётган деҳқонларимиз жасорати ва матонатига бутун элу-юрт қойил қолмоқда. Ғайрат камарини янада маҳкам боғлайлик. Ҳаммамизнинг ўрнимиз пахтазорда бўлсин. Бир грамм ҳам пахтамизни нобуд қилмай йиғиб-териб олайлик. Деҳқонларнинг ҳамиша энг яқин ёрдамчилари ва мададкорлари бўлган ишчилар, студентлар, шаҳар меҳнаткашлари сизнинг олийжаноб, унутилмас ёрдамингиз учун бутун қалбимиздан раҳматлар айтамиз. Яна оз вақт қолди. Улкан марра эгалланган ҳақида бир-биримизни табриклайдиган кунлар яқин. Ҳар қандай шароитда ҳам суръатга-суръат қўшайлик. Қор, ёмғир, обу-ҳаво қийинчиликларини енгиб, жасорат, матонат кўрсатайлик. Пахта майдони ҳар биримиз учун синов майдони. Пахта учун кураш — ҳар бир партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ташкилоти учун катта синов даври. Пахта учун кураш — республикамизда яшаётган каттадан-кичик ҳар бир меҳнат аҳлининг жонажон ишидир. Бу курашдан бирон киши ҳам четда қолмаслиги керак.

Пахтазор чорлайди. Сўнгги тонналар учун жанговар курашга. Олтин дўрдонамизни тез ва нобуд қилмай йиғиб-териб олайлик. Йилимизни муваффақиятли якунлаб, жонажон партиямизнинг XXV съездини коммунистик қурилишда янгидан-янги зафарлар билан кутиб олайлик.



Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз деҳқонлари қишлоқ хўжалик ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ажойиб меҳнат муваффақиятларини қўлга киритмоқдалар. Улар давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар, мажбурият ҳисобига маҳсулот топширилмоқда. Пахтакорлар етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам қолдирмай йиғиб олиш, ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаш ишларини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

Суратда: илғор тракторчи С. Мардиқулов.

А. Тўраев фотоси.

430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 18 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — район лар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Юқори Чирчиқ	0,04	131,93	—	132,44
Қуйи Чирчиқ	0,11	130,51	0,02	129,68
Янгийўл	0,07	123,65	0,11	115,07
Чиноз	0,02	114,59	0,04	131,71
Оққўрғон	0,05	114,55	0,01	105,88
Бўка	0,02	113,27	0,03	111,80
Бекобод	0,05	111,49	—	105,26
Пискент	0,04	105,21	—	93,69
Ўрта Чирчиқ	0,04	104,87	—	100,96
Область бўйича:	0,04	114,97	0,02	111,92

ТАСС ахборoти

«СОЮЗ-20» УЧИРИЛДИ

1975 йил 17 ноябрда Совет Иттифоқида учувчисиз бошқариладиган «Союз—20» космик кемаси учирилди.

Бу кемани учиришдан мақсад учишнинг турли режимларида кеманинг такомиллаштирилган борт системаларини комплекс равишда созлаб олишдан иборат.

Кема чиқариб қўйилган орбитанинг параметрлари қуйидагича:

— ер юзасидан энг узоқлашган масофаси (апогейда) — 263,5 километр;

— ер юзасига энг яқин масофаси (перигейда) — 119,7 километр;

— ерни дастлабки айланиб чиқиш даври — 88,8 минут;

— орбитанинг оғиши — 51,6 градус;

«Союз—20» космик кемасининг ҳамма системалари нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ТЕЖАМКОРЛИК САМАРАСИ

1975 йил қувончли якунланмоқда. Мард бўлиб майдонга чиққан азамат пахтакорларимиз барча қийинчиликларни мардонавор енгиб, кўзларга юксак мақсадларига эришдилар. Мана энди уларнинг самарали меҳнат якунларини чўт қоқиб, ҳисоб-китоб қиладиган пайт ҳам келди.

Биз, бухгалтерлар хўжалик иқтисодий фаслиятининг жиловкорлари, маблағларни тежаб-тергаб сарфлашнинг назоратчиларимиз.

Бу йил колхозимиз аъзолари катта ғалабага эришдилар. Ҳар гектар ердан пландаги 26,75 ўрнига 35,12 центнердан ҳосил олиб социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Пландан ташқари давлатга 937 тонна пахта сотилди. Шунинг 850 тоннаси биринчи сортга қабул қилинди. Ҳукумат қарорига мувофиқ бу пахта учун бир ярим баравар ҳақ тўланади, колхоз 221 минг сўм соф даромад олади. Биз бу йил пахтадан 1 миллион 300 минг сўм даромад олишни планлаштирган эдик, ҳақиқатда эса 1 миллион 784 минг сўмни ташкил этди, кассага пландагидан 484 минг сўм кўп пул кирди.

Кўлгина бригадаларда ҳосилдорлик ошди. Холит Бадалов, Рустам Раҳмонов, Исроил Ғуломов, Исмоил Шайдуллаев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик айниқса юқори бўлди. Кўп пахта биринчи сортга қабул қилинди. Уруғлик учун 600 ўрнига 750 тонна пахта сотилди.

Бултур колхозимиз жами 2 миллион 82 минг сўм даромад қилган эди. Бу йилги жамми даромадимиз 2 миллион 227 минг сўмга етади.

Ўтган йили бир центнер пахтанинг таннархи 35 сўм 39 тийинга тушган эди. Бу йил, дастлабки хомчўтларга қараганда, 31 сўм 40 тийинга тўғри келади. Бу ўтган йилгидан 3 сўм 99 тийин, планда белгиланганидан 1 сўм 42 тийин камдир.

Етиштирилган пахтанинг таннархини арзонлаштиришга чигит экишда, ғўза парвариши даврида амалга оширилган қатор тадбирлар машина билан кўпроқ пахта терилгани ва бошқа тадбирлар ижобий таъсир қилди. Масалан, илғорларимиз ҳар гектар ерга 100 килограммга яқин чигит экиларди. Бу йил эса ҳар гектар ерга 20—22 килограммдан ортиқ чигит сарфланди. Шунинг ўзидан анча чигит тежаб қолинди.

Бу тадбирнинг яна бир иқтисодий фазилати бор. Маълумки, ғўза ярганаси пилла қурти боқиш вақтига тўғри келади, ярғона учун жуда кўп қўл кучи сарфланади. Чигит уяларга заур миқдорда ташланган учун ғўза ярғона қилинмади. Бундан ҳам бир талай маблағ тежаб қолинди. Иқтисодий тежамкорликка қаратилган шу каби тадбирлар сарф этишга мўлжалланган маблағларни бирмунча тежаб қолишга имкон берди.

Давлат омборларига териб топширилган 3512 тонна пахтанинг 2589 тоннаси машина билан терилди. Шунинг учун қўл теримига камроқ маблағ сарфланди. Рентабеллик бултур 31,2 процентни ташкил этган бўлса, бу йил 41 процентга тўғри келди.

Бу тадбирлар колхозчилар даромадини оширяпти. Уларнинг йил бўйича ишлаган ҳақининг ҳар сўмига йил охирида бериладиган пул кўпайяпти. Ўтган йили колхозчининг ишлаган бир сўм пулига йил охирида ўрта ҳисобда 97 тийин қўшиб берилган бўлса, бу йил икки сўмга яқин пул тўлаш мўлжалланяпти, чунки бригадаларнинг даромадлари кўпайиб бораяпти. Исроилхон Ғуломов бошлиқ бригада бултур 102 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олишиб, 170 минг сўм даромад қилган эди. Бу йил эса гектаридан 41 центнердан ҳосил олишиб, бригаданинг умумий даромади 225 минг сўмга етди. Бу ўтган йилгидан 55 минг сўм кўп.

Юқорида айтилганлардан хулоса шуки, тежамкорлик билан ишлаш ҳам колхозга, ҳам колхозчиларга катта наф беряпти. Етиштирилган пахтанинг таннархи арзонлашгани учун 140 минг сўм тежаб қолинди. Биз колхозчиларимизни шундай тежамкорлик билан фидокорона меҳнат қилиб, КПСС XXV съездини катта зафарлари билан кутиб олаётганлари учун фахрланамиз.

С. УРОЗБОЕВ,

Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг бош бухгалтери.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг соғлиқни сақлаш ва социал-таъминот, табиатни ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш доимий комиссияларининг мажлиси бўлиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш ва социал-таъминот доимий комиссияси аҳолига амбулатория-поликлиника хизматининг аҳволи тўғрисида Бухоро область ижроия комитетининг докладини тинглади.

Мажлисда тўққизинчи беш йиллик давомида областда медицина хизматини такомиллаштириш учун кўпгина ишлар қилинганлиги ўқтириб ўтилди. Шу билан бирга Бухоро области аҳолисига амбулатория-поликлиникалар орқали ёрдамни уюштиришда нуқсонлар ҳам бор. Областда ҳали кичик-кичик медицина муассасалари сони кўплигига қарамай, беш йиллик планда мўлжалланган соғлиқни сақлаш объектларини колхозларнинг маблағи ҳисобига қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш плани фақат 43 процент бажарилди.

Доимий комиссия мавжуд комчиликларга Бухоро область ижроия комитетининг, меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар советлари ижроия комитетларининг эътиборини жалб этди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган тадбирлар тавсия этилди.

Табиатни ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш доимий комиссияси мажлисида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан рационал фойдаланиш соҳасида маҳаллий советлар ва уларнинг ижроия комитетлари ер тўғрисидаги қонунга риоя этилиши устидан суст назорат қилмоқдалар, алмашлаб экишни муваффақиятли жорий этиш тўғрисида, ер эрозиясининг олдини олиш, иҳота дарахтзорлари барпо этиш ва ер ости сувлари сатҳини пасайтириш тўғрисида етарли даражада ғамхўрлик қилмаётирлар.

Доимий комиссия ўз қарорида область, район ва шаҳар советлари ижроия комитетларига табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида тегишли тадбирларни тавсия қилдилар.

ИНДУСТРИЯНИНГ ШАҲДАМ ОДИМИ

Республикадаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи, бешинчи йил планини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ва бир қанча энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш юзасидан ўн бир ойлик планни муддатидан олдин — 18 ноябрда бажардилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги марказий статистика бошқармаси.

КУЗГИ ШУДГОРНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 18 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Биринчи стун — бир кунда ҳайдалган ер, (гектар ҳисобида) иккинчи стун — йиллик планга нисбатан процент)

Калинин	92	70,1
Оржоникидзе	180	65,0
Қуйи Чирчиқ	755	64,4
Юқори Чирчиқ	280	58,3
Оққўрғон	915	47,3
Ўрта Чирчиқ	1.886	46,8
Бўстонлиқ	25	44,8
Бўка	1.014	44,3
Пискент	872	42,8
Янгийўл	815	40,8
Бекобод	728	39,3
Чиноз	463	38,0
Оҳангарон	110	36,0
Область бўйича:	8.135	48,3

М. И. КАЛИНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

М. И. КАЛИНИН—ЎЗБЕКИСТОНДА



М. И. Калинин бундан эллик йил муқаддам Ўзбекистонга келган эди. У Ўрта Осиёда янги совет миллий республикалари ташкил этиш, Ўзбекистон ва Туркманистон Коммунистик партияларини тузишдек масъулиятли бир даврда партия ва Совет ҳукуматининг топшириғи билан Ўрта Осиёга келди ва бу муҳим ишларни амалга оширишда фаол иштирок этди.

1975 йил февраль ойида янги ташкил этилган Ўзбекистон республикасини расмийлаштириш мақсадида таъсис этувчи Советлар съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партиясини тузиш учун партиянинг биринчи таъсис этувчи съезди чақирилди. М. И. Калинин шу съездларга қатнашиш учун вакил бўлиб келди.

1925 йилнинг 2 февралида Тошкентнинг ва теварак атрофдаги қишлоқларнинг минглаб меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби ва меҳнаткашларнинг Бутуниттифоқ оқсоқолини зўр шодлик билан кутиб олди.

М. И. Калинин Ўзбекистонга қилган сафарида фақат партия ва советлар съездларига қатнашиш билангина чекланиб қолмади. Михаил Иванович ҳамиша халқ билан чамбарчас алоқада эди. Шунинг учун у Ўзбекистонга қилган бу сафарида съездларда қатнашишдан ташқари ўзбек халқининг турмуши билан танишишни ва социалистик қурилиш улуғвор вазифаларини кенг оммага тушунтиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Шу мақсадда у Ўзбекистоннинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларига борди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қўқон, Фарғона ва бошқа жойларда бўлди. М. И. Калинин меҳнаткашларнинг митинг ва йиғилишларида кўп марта нутқ сўзлади ва меҳнаткашлар вакиллари билан самимий, чуқур мазмунли суҳбатлар қилди. У деҳқонларнинг иқтисодий аҳволи ва турмуши билан, айниқса ерсув масалалари, хотин-қизлар аҳволи ва маданий қурилиш ишлари билан бениҳоя қизиқди ва қимматли маслаҳатлар берди.

М. И. Калинин Ўзбекистон Компартиясининг ва Советларнинг съездларида қилган докладларида, меҳнаткашлар билан қилган суҳбатларида партия ва совет қурилишига доир, республикамиз экономикасини ва маданиятини ривожлантиришга оид энг муҳим масалаларни кенг ёритиб берди. М. И. Калинин Ўзбекистон Компартиясининг I съездида партия ташкилотларини ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш зарурлигини айтди. Ўзбекистон Коммунистларини ва барча меҳнаткашларини миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин кураш олиб боришга, мамлакатимиз барча халқлари ўртасида дўстлик ва интернационал бирликни мустаҳкамлашга даъват қилди.

Ў ўз нутқ ва суҳбатларида Ўрта Осиёда янги миллий республикалар ташкил этишдан асосий мақсад социализм ва коммунизм қуриш учун зарур шарт ва шароитлар яратиш эканлигини тушунтириб берди. Миллий чегараланиш Ўрта Осиё республикаларини Совет Иттифоқининг бошқа республикалари билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларини юксалтиради ва мустаҳкамлайди. М. И. Калинин бу ҳақда шундай деган эди: «Совет Иттифоқи етарли жамғармага эга бўлгач, Ўрта Осиё хўжалигини тараққий эттиришга, саҳроларга қарши курашга, сув чиқаришга биринчи навбатда катта маблағ ажратиб беради. Демак, янги республикалар халқларининг бир-бирлари билан ҳам, СССР билан ҳам иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашлари уларнинг ўз манфаатига хизмат қилади».

Янги миллий республика ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон ишчилари олдида турган муҳим вазифаларни ҳам Михаил Иванович ўз суҳбатларида ишчиларга тушунтириб берди. «Сиз ишчилар, — деган эди у, — фақат ҳокимиятни қўлга киритишнигина билиб қолмасдан, балки, шу билан бирга янги давлат туза олиши ҳамда мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантира билишни исбот қилиб беришингиз лозим». Революция йилларида, гражданлар уруши ва хўжаликни тиклаш даврида ғоят катта қаҳрамонлик кўрсатган Тошкент пролетариати олдида, қолоқ ўзбек деҳқонлари ўртасида иш олиб боришдек, ишчи-деҳқон иттифоқини мустаҳкамлашдек катта масъулиятли вазифа турган эди. Шунинг учун Михаил Иванович оммага совет ҳокимияти ва ишчи-деҳқон давлати мақсадга мувофиқлигини тушунтириш, деҳқонларни ишчилар атрофига, Коммунистик партия ва Совет давлати атрофига бирлаштириш ва социалистик қурилишга жалб этиш зарурлигини айтди.

М. И. Калинин ўз нутқ ва суҳбатларида саноатни, завод ва фабрикаларни тиклаш билан бирга қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаб, бу муҳим вазифани амалга ошириш тўғрисида қимматли маслаҳатлар берди.

У қишлоқ хўжалигини юксалтиришда, меҳнат унумдорлигини оширишда механизация ва агротехниканинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини айтди. «Бу соҳада қуруқ қўл билан, афтидан, Одам Атодан бери ишлатилиб келаётган кетмон билан узоққа бориб бўлмаса керак. Бу соҳада фаннинг кейинги ютуқларини тадбиқ қилиш айниқса зарурдир», — деган эди у.

М. И. Калинин 4 февралда Тошкент шаҳридаги «Деҳқонлар уйи»да, «Қўшчи»лар союзи билан батраклар қўшма мажлисида нутқ сўзлади. Ўз нутқида қишлоқ деҳқонлари шаҳар ишчиларига қараганда ёмонроқ кун кечираётганлигини айтди ва ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш учун деҳқонлар аҳволини яхшилашга жиддий эътибор бериш зарурлигини уқтириб ўтди. Қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун қишлоқ Советларининг ишларини яхши йўлга қўйиш кераклигини таъкидлади.

Михаил Иванович деҳқонлар билан суҳбатлари чоғида ердан олинадиган ҳосил миқдорини оширишни, янги ерлар очишни ва шу йўл билан деҳқончиликни янада ривожлантириш мумкин эканлигини кўрсатиб ўтди.

Деҳқончиликни янада ривожлантириш учун Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ўтказиш зарурлиги ҳақида ва уни қандай ўтказиш кераклиги ҳақида 9 февралда Қўқондаги «Деҳқонлар уйи»да батафсил гапирди. Ислоҳот вақтида бойлар, катта ер эгаларининг ерини камбағал деҳқонларга тақсим қилиб бериш билан чегараланиб қолмай уларни от-ҳўкиз, деҳқончилик асбоб-ускуналари, уруғлик ва бошқалар билан таъминлаш зарур эканлигини кўрсатди. Шундагина ер ислоҳоти мақсадга мувофиқ ўтган бўлади, деҳқонлар олган еридан фойдаланиб, меҳнатидан баҳраманд бўлади.

М. И. Калинин деҳқонларга қишлоқ хўжалигини яхшилаш тўғрисида гапирар экан пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришни кўп уқдириб ўтди.

Биз М. И. Калинин нутқларида, докладларида хотин-қизлар озодлиги масаласида, улар орасида ишлаш тўғрисида муҳим маслаҳатлар берилганлигини кўрамиз. Михаил Иванович митинг ва йиғилишларда ўзбек аёлларини учратмади, кўчаларда паранжи ёпиниб, юзини беркитиб юрганликларининг гувоҳи бўлди. Шунинг учун маҳаллий партия ва совет органларининг хотин-қизлар орасида олиб бориладиган ишларни бутун чоралар билан кучайтириш, хотин-қизларни ишлаб чиқаришга, давлатни бошқаришга, жамият ишларига жалб қилишга катта аҳамият бериши зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Бу ҳақда М. И. Калинин Ўзбекистон Коммунистик партиясининг биринчи таъсис этувчи съездида шундай дейди: «Мусулмонлар орасида хотин-қизларнинг роли кичик бўлишига қарамай, бари бир, менда шунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўққи, онанинг болага таъсири ниҳоятда каттадир, шунинг учун ҳам ёш болалар она маданиятини осонлик билан ўзларига сингдириб оладилар. Сиз оналарнинг маданият даражасини кўтармасдан туриб, қандай қилиб маданиятни кўтармоқчи бўласиз? Шунинг учун табиийки, йигитлар орасида ишлаш масаласи билан бирга, аёллар орасида ишлашни ҳеч шубҳасиз кучайтириш масаласини ҳам кўтармоқ зарур. Ўзбекистон коммунистик партияси Марказий Комитетининг энг асосий ишларидан бири — хотин-қизлар бўлимининг ишини ҳар нима қилиб бўлса ҳам кўтариш, агар зарур бўлса бу ишга кўп куч-ғайрат сарфлаш, аммо Ўзбекистон хотин-қизларининг маълум қисмини ишга тортиш Коммунистик партияга бўлмаганда ҳам, лоақал совет, жамоат, касаба союз ва бошқа шу каби ишларга жалб қилишдир, деб ҳисоблайман». «Мен ўйлайманки, Ўртоқлар, —деган эди яна у,— биз ўзбек аёлларига, хотин-қизларга, жиддий эътибор бермагунимизча, ўзбек аёли партиямиз ишида кенг суратда иштирок этмагунча, у ўзбек қишлоқ ва овулларига бормагунча, деҳқоннинг маданият даражаси паст бўлиб қолаберади... Инсониятнинг фақат эркаклар қисмининггина маданиятини кўтариб бўлмайди. Маданиятни айниқса хотин-қизлар орасида кўтармоқ керак».

Михаил Иванович Калинин Ўзбекистон бўйлаб қилган саёҳатида ўқитувчилар, инёлилар билан ҳам кўп суҳбатда бўлди, улар олдида турган навбатдаги вазифаларни белгилаб берди, маданиятни, фанни тараққий эттириш ҳақида қимматли маслаҳатлар берди. Ўзбекистон ўқитувчилари олдида саводсизликни тугатиш, ерли халқ ичидан инженер, механик ва бошқа мутахассис кадрлар тарбиялашдек муҳим вазифа турганлигини айтди. «Ўқитувчилар коммунизм қурилишининг зарур бир қисмидир»— деган эди у Тошкент шаҳар уезд ўқитувчиларининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, Владимир Ильич Ленининг сафдоши Михаил Иванович Калининнинг Ўзбекистонда бўлиши ўзбек халқининг социализм қурилиши учун олиб борган кураши тарихида унитилмас воқеа бўлиб тарих саҳифасига кирди.

И. АЛИМОВ,
тарих фанлари кандидати.



М. И. Калинин Ўзбекистон Компартиясининг I съезди президиумида.



Бутуниттифоқ оқсоқоли делегатлар даврасида.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ИЗЧИЛ ВА ПРИНЦИПИАЛ ПОЗИЦИЯ

НИКОЗИЯ, 17 ноябрь. (ТАСС). Кипр жамоатчилиги БМТ да Кипр масаласи муҳокама қилинганлигини якунлаб, Кипр масаласида Совет Иттифоқининг тутган изчил ва принципиал позициясига юксак баҳо бермоқда.

Газеталар СССР вакилининг, шунингдек УССР ва БССР вакилларининг нутқларида ўз ифодасини топган бу позиция БМТнинг Кипр тўғрисидаги резолюциясининг ҳар бир ҳарфига ва бутун руҳига мувофиқ эканлигини таъкидламоқдалар. Мазкур резолюциянинг амалга оширилиши Кипрдаги кризисни адолатли тарзда бартараф этган бўлур эди.

Кипр меҳнаткаш халқ прогрессив партияси бош секретарининг ўринбосари А. Фантис Никозия партия активи йиғилишида сўзга чиқиб, бундай деди: Совет Иттифоқи кипрликларнинг ватан мустақиллигини, суверенитети ва территориал бутунлигини тиклаш йўлида олиб бораётган адолатли курашининг энг ишончли, холис дўсти ва талғчи эканлигини яна бир марта исбот қилди.

А. Фантис бундай деди: «Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар БМТнинг Кипр тўғрисидаги резолюциясини бажаришни қаттиқ туриб талаб қилмоқдалар. Кипр масаласи аллақачонлар империалистик доиралар ва НАТО истаганидек, ҳал қилинган бўлур эди».

РЕВОЛЮЦИЯ ҒАЛАБАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ

ЛИССАБОН, 17 ноябрь. (ТАСС мухбири М. Артюшенко хабар беради:

Якшанба куни Португалия пойтахтида жуда катта намойиш бўлиб ўтди. Бу намойишда Португалия меҳнаткашларидан 300 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Лиссабон индустриал пояси ишчи комиссияларининг чақиригига биноан кемасозлик корхоналарининг ишчилари, металлургларва машинасозлар, порт юкчилари, муассасаларнинг ҳизматчилари шаҳар кўчаларига чиқдилар. Интерсиндикал, компартия ва бошқа баъзи партиялар, жамоат ташкилотлари, шунингдек қуролли кучларнинг прогрессив доиралари шу чақириқни қўллаб-қувватладилар. Мамлакатнинг бошқа районларидаги меҳнаткашларнинг вакиллари, шу жумладан жуда кўп деҳқонлар намойишга келиб қўшилдилар.

Намойишчилар реакция террори ва кирдикорларини қораловчи шиорлар ва плакатларни кўтариб бордилар. Улар национализация этиш, ер ислоҳотини, революциянинг бошқа ғалабаларини ёқлаб гапирдилар. Ўнг консерватив кучларнинг намояндалари ҳукуматдан чиқариб юборилишини талаб қилдилар.

Намойиш митинг ўтказиш билан тугади. Митинг қатнашчилари республика президенти Кошта Гомешга мурожаатнома қабул қилдилар. Мурожаатномада таъкидланадики, «Португалиянинг меҳнат аҳли президентнинг контрреволюцион фитна ва ўнг кучлар кирдикорларига қарши қарорларини қўллаб-қувватлайди». Меҳнат аҳли революция посбонлигида турган ҳамда революцион эркинликларни, национализация, ер ислоҳотини, ишчилар контроли ва бошқа ғалабаларни ҳимоя қилувчи ҳамма кучларни бирлаштиришга қаратилган қарорларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

ПИНОЧЕТНИНГ КЎМАКЧИЛАРИ

БУЭНОС-АЙРЕС, 17 ноябрь. (ТАСС). Чили коммунистларининг маҳфий равишда нашр қилинаётган «Унидад антифасиста» газетасида босилган «Маочилар тўдаси ўзини фош қилмоқда» сарлавҳали мақолада бундай дейилади: Пиночет режими билан Пекин ҳамкорлик қилаётганлиги тўғрисидаги шармандали фактлар жаҳон жамоатчилигига маълум бўлиб қолди. Чунончи яқинда «Бизнес уин» журналида босилган хабарда «маочилар хунтага 58 миллион доллар кредит бермоқчи» дейилади. Шу билан бирга хунтанинг жарчиси бўлган «Меркурио» газетаси «Хитой ўзи экспорт қиладиган молларнинг йилига икки марта ўтказилаётган Гуанжоу ярмаркасига Чили савдо саноатчиларини таклиф қилди» ва «Хитой Чилидан мис харид қилишни кўпайтириш тараддудида» деб жуда хурсанд бўлиб ёзди. Бу ҳафталик хабар октябрнинг ўрталарида газетада эълон қилинган эди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин эса шу газетанинг ўзи «Хитой Чилидан 20 минг тонна селитра сотиб олди» деган хабарни биринчи саҳифада энг кўзга ташланадиган жойда босиб чиқарди.

Айни вақтда маочилар тўдасининг делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида хунтани амалий қўллаб-қувватлаб турибди. Яна бунинг устига хунтанинг ҳозирги ташқи ишлар министри бўлиб турган ва президентнинг «Ла-монеда» саройига қилинган ҳужумга қуролли кучлар бош штабининг бошлиғи сифатида раҳбарлик қилган ва давлатнинг қонуний бошлиғини ўлдиришда қатнашган Патрисио Карвахаль яқинда Чили радиоси ва телевидениеси орқали гапириб, Пекиннинг Совет Иттифоқига қарши қилаётган бир қанча туҳмат гапларини тақрорлади.

Бу фактлар маоизмни Чили хунтасининг ваҳшиёна фашист режими билан жирканч иттифоқ тузганлигини фош қилмоқда, деб ёзади «Унидад антифасиста» газетаси ўз мақоласининг охирида.

БРАЗИЛИЯДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 18 ноябрь. (ТАСС). Бразилиянинг Параиа штатида мамлакатда тақиқланган Бразилия коммунистик партиясига мансуб эканликда айбланиб 67 киши қамоққа олинди. 5-ҳарбий округнинг қўмондони генерал Корреа Матбуот вакилларига шу тўғрида хабар берди. Унинг айтишича, қамоққа олинган кишилар штатда Бразилия компартияси фаолиятини кучайтирганлар. Улар яширин партия ячейкалари тузишга, ҳукуматга нисбатан оппозицияда бўлган гуруҳлар билан алоқа боғлашга ва ўз пропагандаларини кучайтиришга эришганлар.

Маълумки, Бразилия компартияси барча сиёсий маҳбусларнинг озод этилишини, жазолаш қонунлари бекор қилинишини, мамлакатда демократия тикланишини, парламентга сайлов ўтказилиб, янги конституция ишлаб чиқилишини, матбуотга цензурани бекор қилишни талаб этмоқда.

Генерал коррега қамоққа олинган шу кишилар яширин шароитда БКПнинг матбуот органи — «Возпе-рарина» газетасини нашр этишни уюштирган, деди.



ГДР. Мамлакатда Франко режими томонидан таъқиб этилаётган испаниялик ватанпарвар антифашистларга моддий ёрдам кўрсатиш кампанияси қизғин юборилди. Суратда: Берлиндаги «Метрополь» театри артистлари ёрдам фондига ўз улушларини қўшмоқдалар.

АДН—ТАСС фотоси.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети назарий ва сиёсий журнали «Ўзбекистон коммунистининг 11-сони босмадан чиқди. Журналнинг бош мақоласи «Совет кишисининг умуммиллий фахри» деб номланган.

Журнал «КПСС XXV съезди олдидан» рубрикаси остида бир қатор мақолалар эълон қилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудирининг ўринбосари Г. Файрушин қорақўлчиликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида атрофлича фикр юритган. Фарғона область партия комитетининг секретари Р. Қосимова эса пахтакорлар босиб ўтган шарафли йўл ҳақида ҳикоя қилган.

Журнал мақолаларининг каттагина қисми иқтисодий ва социал-сиёсий проблемалар, партия қурилишининг назарияси ва практикасига бағишланган. «Геология, маданият» рубрикаси остида эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Хайруллаевнинг ижтимоий фанларни ривожлантириш йўлида бажарилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақоласи берилган.

Бу йил Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин туғилган кунга 100 йил тўлади. Шу санага бағишлаб «ТошМИ КПСС тарихи кафедраси ўқитувчиси М. Маҳмудов ёзган «Партия ва халқнинг шонли ўтлони» сарлавҳали мақола журнал саҳифасидан ўрин олган.

МАҲСУЛОТ СИФАТИ—КОРХОНА ЗИЙНАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти коллективи мамлакатимизнинг бошқа юзлаб ва минглаб саноат корхоналари сингари ўзининг асосий диққат-эътиборини ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириб, ресурслардан унумли фойдаланиб, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратмоқда.

Корхона партия ташкилоти ҳисобот даврида ана шу мақсадга қатор тадбирларни амалга оширди. Цехлараро ўзаро социалистик мусобақа авж олдирилди. Партиявий-оммавий, сиёсий-ташкилий ишлар такомиллаштирилди. Коммунистларнинг тарбиявий ишларни йўлга қўйишдаги роли кучайди. Цех партия ташкилотларига раҳбарлик даражаси анча ошди. Уларнинг ҳаммаси цехларда ва участкаларда, умуман корхонада техника-иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланишига олиб келди.

Оз маблағ сарф қилиб, кўп ва сифатли маҳсулот етиштириш учун курашда коммунистларнинг етакчилик роли тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда 15 цех, 9 участка, 7 бўлимча, 174 бригада, 18 бўлим ва хизмат бошқармаси бу ҳаракатда актив қатнашаётир. Улар орасида 630 ишлаб чиқариш илғори коммунистик меҳнат зарбдори унвонига эга.

Шахсий беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариб, 1976—1980 йиллар ҳисобига меҳнат қилаётганлар сафида Т. Г. Дубинская, Н. Умаров, Ю. Алексеев сингари ўртоқлар бор. 1973—1974 йил якунига биноан корхона коллективи икки маротаба Ўзбекистон Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзсовпроф ва республика комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Нашриёт газета ишлаб чиқариши илгариги йилларда-гидек партия ташкилотининг доимий диққат-эътиборида бўлди. Бу ерда нашр этилаётган марказий ва маҳаллий газеталарнинг сифати анча яхшиланди.

Нашриёт партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳисобот доклади қилган партия комитетининг секретари Т. Исқоқов ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар юқорида қайд этилган ютуқларни фахр билан тилга олдилар ҳамда корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш, резервлардан, имкониятлардан унумли фойдаланиш, партиявий-ташкилий ишларни янада такомиллаштириш, инженер-техник ходимлар сифат составини янада мустаҳкамлаш масалаларига эътибор бериш лозимлиги тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Ишлаб чиқаришдаги барча иш жараёнларнинг узлуксиз бажарилишини таъминлаш, цехлар ўртасида мустаҳкам алоқанинг йўлга қўйилиши натижасида яхши иш вазияти вужудга келтирилди, ташаббускорлик авж олдирилди. Ҳар бир ишчи ўзининг меҳнати самарасини яққол кўрадиган бўлиб қолди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан нотиқлар маҳсулот сифати — корхонанинг кўзгуси, зийнати эканлигини айтиб, партия комитети цех партия ташкилотларига таяниб бу масалага катта эътибор бериб келаётганликларини қайд қилдилар.

График бўйича цехларда ҳар ойда бир марта Сифат куни ўтказилади. Унда қилинган ишлар таҳлил этилади. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган илғорлар тажрибаси ўрганилади. Брakка йўл қўяётганлар танқид қилинади, камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилади, зарур тадбирлар белгиланади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида типографияда технология режими айрим ҳолларда бузилаётганлиги ҳақида мисоллар келтирилди. Планлаштириш — иқтисодий хизмат бўлимлари фаолиятидаги камчиликларни тугатиш, нашриёт экономикасини янада яхшилаш лозимлиги таъкидланди.

— Газеталарнинг ўз вақтида чиқиши учун,— дейди газета ротация цехи бошлиғи Ю. А. Ермольчев,— бир қатор факторлар зарур. Энг муҳими, редакция билан нашриёт, ЎзТАГ ва цех ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш лозим.

Цинкография цехи партия ташкилоти секретари Қ. О. Худойқулов ҳам ўзидан олдинги сўзга чиққан нотиқнинг сўзини қўллаб-қувватлаб гапирди.

Ҳар йили цехга ҳунартехника билими юртларини, ўрта мактабларни битираётган ёшлар ишга келади. Ёш кадрлар билан ишлаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш тўғрисида гамхўрлик қилиш—партия ташкилотининг муҳим вазифасидир.

Ботиқ босма цехи партия ташкилотининг секретари Н. И. Борисенко ҳам ўз сўзини маҳсулот сифати масаласига бағишлади, сантехника бўлими адресига ҳақли эътирозлар билдирди.

Ўтган давр ичида корхона халқ назоратчилари иқтисод ва тежамкорлик учун курашиб, бир қатор ишларни бажардилар.

— Бироқ, ҳали ишимизда камчиликлар йўқ эмас, —деди нашриёт халқ контроли группасининг раиси С. Ф. Леонтьев назоратчиларнинг мажлислари мунтазам ўтказиб турилмайди. Халқ назоратчилари мактабида машғулотлар юксак савияда бўлмаяпти.

Нашриёт комсомол комитетининг секретари Н. Зокиров комсомол ёшларининг ташаббускорлигини авж олдиришда партия ташкилотининг малакали ёрдами зарур, деб қайд қилди.

1925 йилдан буён КПСС аъзоси, ветеранлар Советининг раиси А. Х. Агасянц ўз сўзини мураббийлик ҳаракатини авж олдиришга бағишлади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида кадрлар билан ишлаш, комсомол, жамоат ташкилотларига раҳбарликни такомиллаштириш, идеология ишларини ҳозирги талаблар даражасида йўлга қўйишга қаратилган қатор таклифлар ўртага ташланди.

КПСС XXV съезди шарафига ўзаро мусобақани авж олдириб, белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажарилишида ҳар бир коммунистнинг етакчилик ролини таъминлаш муҳимлиги уқдирилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети агитация ва пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари Р. А. Сафаров сўзга чиқди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида нашриёт партия комитетининг янги состави, район партия конференциясига делегатлар сайланди.

Н. РИХСИЕВ.

ВАТАНИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАЛҚОНИ



Ҳарбий ВАТАНПАРВАРЛИК САҲИФАСИ

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

Бугун ракета қўшинлари ва артиллерия куни

ЧИНИҚИШ

Сталинград. 1942 йил 19 ноябрь. Соат 7 ярим. Ана шу дақиқада Улуғ Ватан урушида янги босқич бошланди. Мисли кўрилмаган қудратли артиллерия душман позицияларига бир ярим соат давомида қақшатқич зарба бериб турди. Совет артиллериясининг Улуғ Ватан урушидаги буюк ролини нишонлаш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми 1944 йилда артиллерия кунини умумхалқ байрами деб эълон қилди. Орадан 20 йил ўтгач, бу куни Ракета қўшинлари ва артиллерия куни, деб юритила бошланди.

Кейинги йилларда ракета қўшинлари мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашда ва унинг хавфсизлигини таъминлашда катта ўрин тутмоқда. Бугун биз, Ватанимиз жанубий чегараларини сергак туриб қўриқлаётган туркистончи ракетачилар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

...Кеч кириб қолди. Жанговар машқлардан сўнг ҳали тилоф киядириб улгурилмаган ракеталарнинг учларида қуёш нури ўйнайди. Лейтенант А. Носиров командирлик пультидан очиқ ҳавога чиқди. У ўз жангчилари машқидан мамнун эди. Бугунги машқларда солдат ва сержантлар жуда аниқ ҳаракат қилишди.

Ёш офицер ташқарида турар экан, шу кунгача босиб ўтган йўлини ҳаёлидан ўтказди. Ҳа, бу йўл Аскар учун чиниқиш мактаби вазифасини ўтади. Лейтенантнинг ташвиш ва қувончларга бой, қизғин ва шиддатли машқларга тўла ҳаёти бошқалар учун ибратлидир.

Командир жангчиларни социализмнинг моҳир ҳимоячилари учун зарур бўлган билим ва кўникмалар билан самарали равишда қуроллантириш маҳоратини эгаллади. Шу ўринда битта мисол келтириш мумкин. Бир пайтлар оддий аскар С. Чориев интизомни бузар, бўлар-бўлмасга машқлардан қолишни мўлжалларди. Командир, коммунистлар, комсомол ташкилотининг таъсирида у эндиликда намунали хизмат қилаётганлар қаторидан ўрин олди. Бошқалар каби жанговар касбларни эгаллашда кўпгина муваффақиятларга эришди.

...Узоқдан самолётнинг гувиллаган овози эшитилди. Тунги осмонда ҳаво лайнерининг чироқлари милтиллаб кўринди. Лейтенант Носиров уларга тикилар экан, жилмайиб қўйди: «Булар ҳам машқдан қайтишмоқда».

Лейтенант Носиров ракеталарни бошқариш станцияси кабинасига кирди. Бу ерда операторлар ва бошқа мутахассислар ўз ўринларида ўтиришарди. Улар жанговар топшириқни бажаришга, мўлжални аксон қилишга шай турар эдилар.

Сигнал овози янграб қолди. Офицер бир зумда экран олдида пайдо бўлди ва станцияни ишлатиш ҳақида буйруқ берди. Оддий аскарлар Рустам Ҳафизов, Асқад Ҳабибуллин ва бошқалар мўлжални излай бошладилар. Бир неча дақиқалардан сўнг оддий аскар Ҳафизов рапорт берди:

— Мўлжал олинди!

«Душман»ни бошқа операторлар ҳам сезган эдилар. Шунинг учун улар дарҳол самолётни уриб туширишга ҳозирлик кўра бошладилар. Офицернинг «Пуск!» деган буйруғи янгради. Экранда бир нарса жуда ёришиб кўринди ва ўша ёқда мўлжал томон сузиб кетди.

Саноқли дақиқаларда душман самолёти уриб туширилди. Лейтенант соатига қаради. Ҳаммаси вақтида бўлди.

Командир Носиров операцияни дўндириб бажарган йигитлардан ҳурсанд бўлиб қўйди. Бу ахил коллектив чиндан ҳам доимо барча топшириқларни муваффақиятли адо этади. Шу дамда ракетачи офицернинг ёдига дала машқларидан бири тушди. Ўшанда унинг йигитларига жуда мураккаб вазифа топширилган эди. Ноқулай об-ҳаво шароитида ракетачилар булутлар орасидаги «душман» самолётини аниқ мўлжалга олишлари, у қанчалик баландда учаётган бўлмасин, албатта уриб туширишлари керак эди.

Ташқарида изғирин шамол кезиб юрган бўлса-да, операторларнинг хонасида йигитлар терга тушиб «чегара»ни бузиб ўтган «душман» самолётини қидиришар эди. Булутлар орасида оқ нуқта кўринди! Йигитлардан бири дарров рапорт берди.

...Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Омсон мусаффо. Машқлар давом этмоқда. Ракетачилар амалий ўқувларда ўзларининг жанговар маҳоратларини ошираяптилар, Ватан чегараларида сергак туришмоқда.

М. ГАРБАЧЕВ,
старший лейтенант.



Ракета қўшинлари Совет Армиясининг зарбдор кучи ҳисобланади. Совет жангчилари қўлига ишонч топширилган ракеталар ер шарининг исталган нуқтасигача учиб бориб, белгиланган нишоннинг кулини кўкка совуришга қодир. Н-ракета қисми жангчилари бу жанговар техника сирларини пухта ўрганиб, тактик машқларда уларни ҳар томонлама синовдан ўтказмоқдалар. Суратда: ёш коммунист лейтенант Александр Болховитин командирлик қилаётган ўзиюрар ракета қурилмаси расчетининг аълочи жангчилари машқдан сўнг. Улар ракета қўшинлари ва артиллерия кунини ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда улкан муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдилар.

О. Пороховников фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ОҚҚЎРҒОНЛИК КОМАНДИР

Анвар ака ишдан қайтса, армиядаги ўғлининг командиридан хат келибди. Командир Равил хизматни яхши ўтаётганлиги тўғрисида хабар бериб, ҳарбий хизматга қадар у нимага кўпроқ қизиққанлигини сўрабди. Ота бу мактубга жавоб ёзишга киришар экан, «Ҳар ҳолда дуруст хизмат қилаётган экан, баракалла, Равил» деган гапларни кўнглидан ўтказди.

Командирга жавоб ёзаётиб, кўз ўнгида беихтиёр ўзи босиб ўтган оловли йиллар гавдаланди. Анвар ака нинг одати шунақа: ўтлига хат ёзаётган пайтларида доимо Ватан учун олиб борилган оғир кураш йилларини хотирасига келтиради.

...Курск—Орел ёйида жуда оғир жанглар борар эди. Совет қўшинлари босқинчиларни муқаддас тупроғимиздан қувар, фашистлар эса қаттиқ қаршилик кўрсатар эди. Бу пайтда сержант Анвар Гарипов разведкачилик қиларди.

— Чернигов остоналаридаги жанглар ҳеч есимдан чиқмайди,— деб хотирлайди ветеран жангчи.— Шаҳарга олтмиш-етмиш километр чамаси масофа қолганида немислар қаттиқ қаршилик кўрсата бошлади. Командирлик ўн саккиз тажрибали разведкачини танлаб, душманнинг ўт очиш нуқталарини, дзотларини қаерда ва қандай жойлашганлигини билиб келишга юборди.

Куз. Ҳаво совуқ. Чор атрофдаги дарахтлар баргини тўкиб бўлган. Биз Днепр дарёсини кечиб ўтиб, вазифани бажаришга киришдик. Фашистларнинг ўт очиш нуқталари, дзотлари жойлашган ерларни харитага тушириб, қайтаётганимизда душман сезиб қолди. Ўн саккиз йигит томон фашист пулеметчилари ўқини ёмғирдек ёғдирди...

Разведка группаси келтирган маълумотлар жуда қимматли эди. Совет қўшинлари бир неча соатдаёқ шаҳар остоналарига мустаҳкам ўрнашиб олган душман жангчиларини тор-мор қилди. Яраланган уч разведкачи госпиталга жўнатилди.

Анварнинг жароҳати жуда оғир эди. Етти ой даволанишга тўғри келди. Даволангач Урал ҳарбий округида младший лейтенантлар курсини тугатди. Офицер А. Гарипов эндиликда станокли пулеметчилар взводига командирлик қила бошлади.

Ҳалоскорлар армияси ҳамон ҳужумда эди. Қаҳрамон жангчилар орасида Анвар ва унинг пулеметчи йигитлари ҳам Европани фашизм зулмидан озод қилиш учун кураш олиб борардилар.

Германиянинг Кенигсберг шаҳрини олиш урушда катта бурилиш ясади. Душман бу шаҳарни қўлдан бермаслик учун тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатди. Жангчиларимиз Шарқий Пруссиядаги Медино шаҳрини олдин забт этишга киришди. 1945 йилнинг 27 март куни Анвар Гарипов командирлигидаги взвод шаҳарга кириш ҳақида буйруқ олди. Фашистлар шаҳардаги уйларга мустаҳкам ўрнашиб олган, бизнинг қўшинларимизга яқинлашиш учун ҳеч йўл қўймас эди.

Офицер Анвар Гарипов уйлардан бирини эгаллашга қарор қилди. Икки ўртада қақшатғич жанглар бошланиб кетди. Пулеметчилар взводи бино томон тобора яқинлашиб бормоқда. Икки орада кўпгина қурбонлар берилди. Лекин, совет жангчилари топшириқнинг уддасидан чиқдилар. Орқадан етиб келган полк осонлик билан шаҳарга кирди. Медино икки кундаёқ бизникилар қўлига ўтди. Ана шу жангларда кўрсатган жасорати учун младший лейтенант Анвар Гарипов Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

Медино қўлга киргач Кенигсбергга ҳужум бошланди. Лекин бу жангда Анвар Гариповнинг омади келмади. У жангчилари ҳужумга бошлаётган пайтида оёғидан оғир яраланди. Галаба тўғрисидаги хушхабарни эса госпиталда кутиб олди.

Уруш тугади. Анвар ака ҳам барча жангчилар сингари уруш қолдирган асоратларини тугатишга активлик билан киришди. Ҳарбий хизматдан сўнг она қишлоғи Оққўрғонга келиб ишлай бошлади. У қишлоқ Советининг секретари, суд ижрочиси, район ижроия комитетида фаолият кўрсатди. Кекса фронтчи ҳозир ҳам сафда. У Оққўрғон посёлка Советининг секретари бўлиб ишламоқда.

Кўксида Қизил Юлдуз орденидан ташқари бир неча жанговар медаль ҳам ярқираб турган собиқ жангчи тинч меҳнат йилларида ҳам ўрнак кўрсатиб ишламоқда. Бу посёлка Советининг депутати сифатида кўп ерларда бўлмоқда, қишлоқ ёшларини Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

А. АБДУЛЛАЕВ.

ТЎПЧИ ДЎСТИМНИ ИЗЛАЙМАН

Уруш охирлаб борарди. Болтиқбўйи территориясида қақшатқич жанглар кетарди. Қаҳрамон жангчилар орасида ўзбекистонлик тўпчи, старший сержант Карим Абдиев ҳам бор эди. Урушгача у Тошкент областидаги пахтачилик колхозларидан бирида механизатор бўлиб ишлаганлигини сафдошларига айтиб берганди.

Урушнинг дастлабки кунидаёқ жанговар сафга қўшилган К. Абдиев Подмосковье, Калуга, Смоленск ва Брянск областларида жанг қилди. Белоруссия, Литва, Латвия шаҳар ва қишлоқларини озод қилишда иштирок этди.

Латвия ССРнинг Илукст районида бўлган оғир жанглардан бирида старший сержант Абдиев командирлигидаги расчёт катта жасорат кўрсатди. Абдиев йигитлари жойлашган баландликка душманнинг ўндан зиёд танки ҳужум қилиб қолди. Лекин йигитлар бўш келишмади. Артиллериячилар расчётининг душман танкларига қарши олиб борган жанги 3 соатдан кўпроқ вақтга чўзилди. Жанг тугаганда майдонда саккизта танк ва иккита ўзиюрар душман техникаси тутаб ётар эди. Лекин тўпчилар ҳам жиддий талофатлар кўришди. Оддий аскар Павлов ҳалок бўлди. Наводкачи Я. Соколовский оғир яраланди. Ана шу жангдаги жасорати учун Карим Абдиев Қизил байроқ ордени билан мукофотланди ва старшина унвонини олди. Я. Соколовский сафдоши ҳақида шундай дейди:

«— Биз жанговар дўстимиз Карим Абдиев билан кўп жангларда қатнашдик. Айниқса, 1944 йилнинг куз фаслида Рига шаҳри бўсағаларида бўлган жанглар ёдимдан кўтарилмайди. Бир кунда биз тўпчилар душманнинг 12 танкини ва кўплаб жанговар техникасини сафдан чиқарган эдик. Лекин ана шу жанг бизга ҳам қимматга тушди. Тўпимизнинг ёнгинасида душман снаряди портлади. Натижада ҳаммамиз оғир яраландик.

Фронт ичкарисидаги госпиталда бизни тажрибали хирург-профессор, медицина хизмати полковниги Виноградов даволади. Ғалаба кунини госпиталда кутиб олдик. 1945 йил май ойининг охирларида госпиталга полковник Губарь келди. У Рига шаҳрини озод қилишдаги хизматларимиз учун Карим Абдиевга Қизил Юлдуз ордени, менга эса иккинчи даражали «Шуҳрат» орденини топширди...».

Уруш тугади. Жанговар дўстлар даволаниб уй-жойларига тарқалдилар. Ана ўшандан бери Я. Соколовский сафдоши Карим Абдиевни излайди. У Тошкент шаҳрининг адрес бюроларидан ҳам «К. Абдиев бу ерда турмайди» деган жавоб олган. Энди бу ишга бизнинг группамиз киришишга аҳд қилди. Қизил ветопарлар номидан мурожаат қиламан: ўртоқ Карим Абдиев! Сизни қуролдош дўстингиз Янис Соколовский изламоқда. Жавоб қилинг. 150-ўқчи дивизия тўпчиси тақдири ҳақида ким нима билса бизга ёзиб юборинг.

Е. ИВАНОВ,
запасдаги офицер, Латвия ССР Илукст шаҳри қизил ветопарлар группасининг раҳбари.

ЖАНГОВАР ТОПШИРИҚ

Фронт йиллари... Тўрт комсомол солдат қарши томонга разведкага юборилди. Разведкачилар душманнинг ўт очиш нуқталари жойлашган ерларни белгилаб яна батта «тил» ва иккита пулемётни ўлжа қилиб келишди. Бу Ҳамзаали Йўлчиевнинг дастлабки жанговар топшириқни бажариши эди.

Эндиликда Пискент шаҳрида ўт ўчириш командасига бошчилик қилаётган милиция майори Ҳ. Йўлчиев қардош белорусс ерлари бўйлаб узоқ кезди, душманни мамлакат территориясидан қувиб чиқаришда катта ҳисса қўшди.

...Немислар Чаус шаҳрини қаттиқ бомбардимон қилдилар. Бирорта тик девор қолмади. Бундан қаттиқ ғазабга келган Совет жангчилари шиддат билан ҳужумга ўтдилар. Жанг қизиб кетди. Ана шундай мураккаб пайтда алоқа узилиб қолди. Командир алоқа тиклаш лозимлигини айтиб, бу масъулиятли вазифани Ҳамзаалига топширди.

Бийдек дала. Фашистлар тикимсиз ўқ узарди. Елкасига сим ғалтак илиб олган солдат ўқ ёмғири остида эмаклаб бормоқда. Ҳамзаали бу ўқлардан ҳеч чўчимас, бутун диққат-эътибори операцияни муваффақиятли тугаллашга қаратилган эди. У минг машаққат билан симни уланди. Алоқа тикланди. Муҳим вазифани бажаришдаги хизмати учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

Пискентлик жангчи немисларни қувиб Польшагача борди. Кўксидаги «Жасурлиги учун» медали, Қизил Юлдуз ордени ёнига яна бир неча жанговар мукофотлар қўшилди.

Э. ҲАБИБАЛИЕВ.

ШОН-ШАРАФ САТРЛАРИ

◆ 1942 йил 19 ноябрда минглаб тўп ва реактив установкаларнинг залпи совет қўшинларининг Сталинград остоналаридаги қарши ҳужумга ўтганлигидан дарак берди. Бу кун СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Артиллерия куни сифатида байрам қилинадиган бўлди.

◆ Улуғ Ватан уруши йилларида 1800 дан ортиқ артиллериячи жангчиларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. 1 миллион 600 мингдан ортиқ киши орден ва медаллар билан мукофотланди. 800 та артиллерия қисми ва қўшилмалари Совет Иттифоқи орденлари билан тақдирланди.

◆ Совет артиллериясининг ўт очиш қудрати жангдан жангга ўсиб борди. Агар қўшинларимизнинг Москва остоналаридаги қарши ҳужумида 6 мингта тўплар, миномётлар ва реактив установкалар қатнашган бўлса, Сталинград жангида 15 минг, Белоруссия операциясида 31,7 мингдан ортиқ, Берлин учун жангда эса 42 минг артиллерия системалари душман устига олов ёғдирди.

◆ Реактив установкаларнинг («катюша»ларнинг) биринчи батареяси 1941 йил 14 июлдаги жангда синаб кўрилган эди. Унга капитан И. Флеров командирлик қилган.


◆ Уруш йиллари давомида совет артиллериясининг беш марта ўсди. Олий Бош қўмондонлик резервининг артиллериясини эса қариб тўққиз марта ўсди. Бу ҳол артиллериянинг катта кучларини ҳал қилувчи йўналишларга ташлаш имконини берди.

◆ Н. Н. Воронов, М. П. Дмитриев, С. А. Красновецев, В. И. Казаков, М. И. Неделин, Н. М. Хлебников каби йирик ҳарбий бошлиқлар Улуғ Ватан уруши йилларида артиллериямизнинг доғи чиқаришига муносиб ҳисса қўшдилар.

◆ Ҳозирги вақтда ракетачиларнинг 90 процентдан ортиқроғи коммунистлар ва комсомоллардир. Улар Қуролли Кучларимиздаги жуда кўп ташаббусларни бошлаб бермоқдалар, қўшинларимиз орасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

◆ Ракетачилар ва артиллериячилар ўртасида класс мутахассислари 90 процентдан ортиқроқини ташкил этади.





Младший сержант Борис Рябов командирлик қилаётган артиллерия расчети тўпчилари тактик машқларда актив қатнашиб, ўз маҳоратларини оширимоқдалар. Машқлар давомида расчет жангчилари нишонни бенуқсон уришни, тез ҳаракат қилишни, кучларни марказлаштиришни ўрганмоқдалар. Эришган ютуқлари учун артиллериячилар бир неча бор командирнинг раҳматномасига сазовор бўлишган. Пастдаги суратда Борис Рябов бошлиқ артиллериячилар тактик машқда.

Унгда эса туркистончи ракетачиларни кўриб турибсиз. Улар ракеталарни бошқаришда катта тажриба тўплашган.

А. Асанов фотолари.

ИККИ ФРОНТДА

Бу кишининг жанговар йўли жуда узоқ ва машаққатли бўлган. У немис босқинчиларига ва япон интервентларига қарши жангларда фаол қатнашди.

Жангчиларимиз Польшани озод қилишга киришган кунлар. Тошкентлик жангчи Қудрат Раҳматов қардошлар элини душмандан тозалашда актив иштирок этди. Кейин эса Германиянинг Кенигсберг шаҳрига ҳужум бошлади. Ана шу оғир жангларда алоҳида жасорат кўрсатганлиги учун у учинчи даражали «Шуҳрат» ордени ва «Кенигсбергни олгани учун» медалига сазовор бўлди.

Совет жангчилари Берлинни қўлга киритганларидан сўнг Қудрат ака Раҳматов хизмат қилган дивизия бош қўмондонлигининг буйруғига кўра япон интервентларига қарши курашга юборилди. Дивизия японлар билан бўлган жангларда ҳам жуда катта жасорат кўрсатди. Бу жангларда Қ. Раҳматов иккинчи даражали «Шуҳрат» ордени ва Қизил байроқ ордени билан мукофотланди.

Уруш тугагач у қадрдон шаҳри Тошкентга қайтди. Ўшандан буён 3-тикув фабрикасида ишлаб келмоқда. Ветеран-жангчи ҳозир ёшлар, мактаб ўқувчилари ҳузурида бўлиб, оловли уруш йиллари ҳақида ҳикоя қилиб бермоқда.

Ҳ. ИЗЛДОШЕВ.

ҲАРБИЙ-САҲИФА № 134

ЯНГИ шеърлар

ДАМ ҒАНИМАТ

Саҳий кузнинг салқин кунида,
Атир сочган ойдин тунида,
Машинанинг енгроқ унида,
Ҳукм сурар сафарбар бир ҳол.
Бўлғил сен ҳам теримда фаол!
Тонгдай ёрқин дамлар ғанимат,
Қўлдан асло кетмасин фурсат.
Қўшай десанг суръатга суръат,
Субҳидамда уйғониб дарҳол,
Олтин водий бағрига йўл ол!
Қордай оппоқ, ипакдек юмшоқ,
Кулиб турган дурдона чаноқ,
Қўлларингда очилиб шу чоқ
дейди: «мени этмагил увол»
Гард юқтирмай чаққон териб ол!
Марра яқин — йўлимиз ёвуқ,
Зўр съездга чўнг ҳирмон тортиқ,—
Бўлсин десанг, юзимиз ёруғ,
Қучай десанг бахту истиқбол,
Нобуд қилмай тезроқ териб ол!


Х. ҲОМИДИЙ.

Қудрат МУҲАММАДИЙ.

КИТОБ БАЙРАМИ

Китоб байрам айёмида
Байрам борар қиёмида,
Эркинжон билан китоб
Қизғин суҳбат қилишар боб:
Жуда қизиқ китоб—офтоб
Китоб сўзин, Эркинжон,
топ!
Маъносини билишга чоп.,
Уқиб-ўрган бобма-боб.
Ҳай-ҳай, китоб сўзи кўркам.
Маъноларн ҳаддан улкан.
Дадам деган, ўқи, ўрган,
Дадам ўқиган кўрган,
Урганишни билдирган.
Урганишни билдим бошдан
Алифбе нур қуёшдан,
Китоб сўзин ўйладим,
Аъло мағзин кенг
бўйладим,
Бутун олам шу китобда,
Бутун одам Ҳур китобда,
Китоб эмас, нур офтобда
Китоб билсам, олам экан,
Улмас, азиз одам экан.
Бутун олам тарихини,
Ҳаёт турмуш таърифини
Бор бўйича шарҳ этаркан,
Одам фикрин чарх этаркан,
Шу сабабдан севдим китоб,
Менга қилар доим хитоб,
Изла мени, қани кел, топ!
Агар топсанг, мен дур ноёб
Нима орзу қилсанг, мендан.
Етказаман сенн тездан,
Жон дўстингман билиб
олгин,
Дур сўзимни илиб олгин,
Дилингга қуйиб олгин.
(Миянгга ўқиб олгин).
Ҳамма ишнинг китоби бор.
Китоби бор, ҳисоби бор.

МЕТЕРОЛОГЛАР ВАХТАДА



Тоғлар ҳозир оппоқ қор билан бурканган. Изғирин эсиб турган бўлишига қарамай бу ерда ҳаёт қайнайди. Езда ҳам, қишда ҳам метеорологлар ўз постларида сергак туришади. Улар гидрометстанцнята обн-ҳаводаги бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида етказиб боришади. Суратда: тоғлар устида жойлашган метеорология хизмати станцияси техниги Алена Зеликсон антиполимет рик кузатув ўтказмоқда.

В. Таран фотоси.

ҚАЛБ ТАШАККУРИ

ЛАВҲА

Ёз оқшоми чўкди. Касалхона ҳовлиси сув қуйгандек жимиб қолди. Палаталар чироғи бирин-кетин ўчиб, болалар уйқуга бош қўйишяпти.

Абдулла ака энг кейин келган беморнинг касаллик варақасига яна бир кўз ташлади-да, кейин ҳамширага юзланди:

— Болага бериладиган дори-дармонларнинг ҳаммасини белгилаб чиқдим. Ҳозир укол ни бошланг, иситмасини тушириш керак. Кейин дармондори берасиз.

Яна жимлик чўкди. Абдулла ака кўзойнагини ҳалатининг тепа чўнтагига солиб ўрнидан турди. Ичкари исиб кетгандек туюлди унга. Сокин коридордан аста ўтиб ҳовлига чиқди. Осмон мусаффо. Йўлка бўйларидаги чироқлар билан баҳс бойлашгандек кўкда юлдузлар чараклайди. Шу дамда кўзига ҳаммадан ҳам қоровул отанинг чироғи равшанроқ кўринди. Ўша томон юрди.

— Келинг доктор, келинг,— қоровул ота ўрнидан туриб Абдулла акани темир кроватга таклиф этди.— Қани, бир пиёла чой ичинг. Бугун анча чарчадингиз. Кун ҳам иссиқ бўлди.

—Ҳар кунги ишимиз-да, ота. Чарчашга қўл тегармиди,— гапни ҳазилга бурди Абдулла ака. Кейин пиёладаги чойни бўшатди-да, шилдираб оқаётган ариқ бўйидаги райҳоннинг битта шохини олиб думоғига тутди.— Шу ердэ бир дам ўтирсам бутун ҳордиғим ёзилади.

Бу ерга бош врач бўлиб келган кезлари эсида. Икки тул дарахтдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Даволэш корпусининг атрофлари ҳаробадек кўринсиз эди. Абдулла ака узоқ ўйлаб ўтирмади. Шифокорлар ҳашари билан тевараК-атрофни ободонлэштиришга киришди. Даволаш хоналари кенгайгирилди, янги медицина ускуналари билан бойиди. Теварак-атроф ғиштин деворлар билан ўралиб, паст-баландликлар текисланди. Гулзорлар, мевали боғлар яратилди. Боғлар ўртасида суҳбатхоналар, шинам шийпонлар қурилди. Йўлкалар бўйлаб фонтанчалар, кундузги чироқлар ўрнатилди.

Ўша кезларда экилган ниҳоллар ҳозир ғарқ ҳосилга кирган. Абдулла ака ҳар гал қоровул ота кроватида ўтириб бир пиёла чой ичганида стационар остонасига дастлаб қадам қўйган ўша кезларини эслаб кетади.

— Кеча медсанчастга бир иш билан борган эдим,— Абдулланинг бир оёғи жанг майдонида, иккинчи оёғи дала госпиталида бўлди. Қўлда автомати билан қуролдошларига мадад берар, кейин ярадорларни олиб чиқиб дардларига даво изларди. Жангларда ўзи ҳам икки марта яраланди. Лекин ортга қайтмади. Соғайиб яна қуролдошлари ёнига кирди.

Абдулла ака жанг билан Украина, Белоруссия ерларини кезиб чиқди. Ровно ўрмонларида партизанларга кўмакдош бўлди. Ҳозир иш столида турган машҳур разведкачи-партизан Николай Кузнецов бюсти ҳар дам ўша партизанлар даврасидаги ҳаётини эслатади.

Ёппасига ҳужум бошланган кезларда Абдулла Қодиров танк колонналарини ғарбий чегараларгача кузатиб борди. Ҳаракатдаги армия штабларига махсус пакетлар элтиб берди. Сўнг яна медицина-санитария қисмларига бошчилик қилди, санитария поездн билан бутун фронтни кезиб чиқди.

Жонкуяр шифокор Абдулла Қодиров кўксидаги Қизил Юлдуз, II-даражали Ватан уруши орденлари, «Жасорати учун», «Москва мудофаси учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» каби медаллари ўша оловли йиллардан бир хотира бўлиб қолган. Урушдан сўнг ҳам у бир неча йил ҳарбий комиссариатларда ишлади. Кейинчалик республика партия ва ҳукуматининг топшириғи билан Хоразмга йўл олди.

— Шароит оғир эди,— деб эслайди ўша кезларни Абдулла ака.— Медицина кадрлари етишмас, бир кишининг зиммасига уч-тўрт хил вазифа юкланганди.

Абдулла ака Хева шаҳар касалхонасига бош врач қилиб тайинлашди. Бир йўла у шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасини ҳам ўтади. Абдулла акнинг ташкилотчилиги ва ташаббуси билан шаҳарда медицина мактаби, ҳамшираллар курси очилди. Янги ўқув даргоҳларига ўша йили 100 талаба қабул қилинди. Ўқув-тарбия ишларига моҳир шифокорнинг ўзи бош-қош бўлди. Ишлари яна ҳам кўпайди. Эртаю-кеч тиним билмасди. Вақт шуни талаб этарди, у коммунист эди!

Чирчиқ шаҳар касалхонасида бош врач бўлиб ишлаганда ҳам, Тошкент соғлиқни сақлаш бўлимида хизмат қилганда ҳам у ташаббускорлиги, ишчанлиги, жонкуярлиги билан кишилар ҳурматини қозонди, обрў-эътибор топди. Тинч қурилиш йилларида кўрсатган фидокорлиги учун кейинчалик Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва қатор медаллар билан тақдирланди.

Ҳозир Абдулла ака Тошкент тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмига қарашли болалар стационарининг энг тажрибали, энг ҳурматли шифокори. Неча-неча дардчил норасидаларга у қувноқ ҳаёт бахш этди, гўдакларни ўлим чангалидан омон сақлаб қолди. Кичкинтойлар чеҳрасида табассум кўрганида Абдулла ака бутун вужуди билан қувонади. Жажжи қалб ташаккурини у ҳар қандай мукофотдан аъло кўради...

Бир чойнак чой ичгунчалик вақт ҳам ўтмади. Дарвоза олдига «Тез ёрдам» машинаси келиб тўхтади. Қоровул ота дарров бориб эшикни очди. Машина ичида бемор фарзандини бағрига босганича ёшгина жувон ўтирарди. Болажон шифокор Абдулла ака яна бир мурғак қалб ҳаёти учун курашга отланди.

Ж. НОСИРОВ.

ИШЧАН, МЕҲРИБОН

Раҳимжон автобус келишини ҳам кутиб ўтирмай, пиёда уйига боришга қарор қилди. Уйга етгунга қадар ҳам яқиндагина ўғлидан ҳасрат қилиб келган онанинг:

— Билмайман, нега бундай бўлиб кетди? Унинг дастидан на уйда, на кўчада тинчлик, ҳаловат бор. Мактабга бормай қўйди. «Дўстларн ҳам ўзига ўхшаган. Илтимос, ёрдам беринг, деб илтижо билан айтган сўзлари қулоғи остида жаранглаб турарди.

Саидакбар 14-мактабнинг саккизинчи синфида ўқирди. Мактаб коллективи ва ота-она ундан кўнгли тўқ, ахлоқи, одоби яхши эди. Бироқ, бир-иккита «эгри қадам»ларни учратиб қолдию, ўзгарди-қўйди. Мактабга бир кун келса иккн-уч кун келмай қўйди. Булардан ота-онанинг хабари йўқ эди. Мактаб маъмурияти, синф раҳбари ота-онасини мактабга чақиртирганларида ҳам, бола атайлаб уларга айтмай, «Дадам ишдан бўшамаяптилар, ойим бетоблар» деб баҳонани катта қилди.

Бир куни у ўғрилик устида қўлга олинди..

Раҳимжон ишни Саидакбарни болалар хонасига чақиртириб келиб, яккама-якка суҳбатдан бошлади. Мактаб ва уйдан чиқиб кетиб, жиноий ишга қўл уриш сабабларини ўрганди. Ишни текширишда ҳар бир икир-чикирни ҳам ҳисобга олди. Ота-оналар, маҳалла комитети, мактаб коллективи билан яқиндан алоқада бўлиб иш олиб борди.

Безорилик, жиноятчилик йўлига кириб бораётган Саидакбарни мактабда, маҳаллада илғор кишининг оталигига биркитиб қўйди. Жамоатчилик олдида хулқи муҳокама қилиниб, уялтирилди, огоҳлантирилди.

Болалар инспекторининг ана шу каби жонкуярлиги туфайли кўплаб ўсмирлар ҳавфли йўлдан қайтарилди. А. Обидов, Б. Назаров, А. Маматхоновлар шулар жумласидан.

Милиция лейтенанти Раҳимжон Алиевнинг таржимаи ҳоли оддий: ўрта мактабни, битириб, Совет Армияси сафида хизмат бурчини ўтади. Сўнг халқ осойишталиги посбонлари тайёрланадиган уч ойлик курсни битириб чиқди. Шундан сўнг Собир Раҳимов район ички ишлар бўлими назбатчисининг ёрдамчиси вазифасида хизмат қилди. Икки йилдан сўнг эса болалар инспектори қилиб тайинланди. Шу вақт мобайнида тадбиркорлиги, меҳнатсеварлиги ва аъло хизматлари эвазига Раҳимжон оддий милиционерликдан старшина даражасига кўтарилди. 1973 йилда унга милиция кичик лейтенанти унвони берилди.

Мана, олти йилдирки, у болалар инспектори. Раҳимжон бошчилик қилаётган болалар хонаси ўз фаолиятини асосан ўсмирлар ўртасида содир бўладиган жиноят ва безориликнинг олдини олишга доир профилактика ишларини олиб боришга қаратган. Бу иш кенг жамоатчилик ёрдамига таянниб амалга оширилянти. Штатсиз инспекторлар, маҳалла комитетлари ва жамоатчи активлар болалар хонасининг актив ёрдамчиларидир.

Раҳимжон маҳалла активлари, ота-оналар ва болалар ўртасида мароқли суҳбатлар ўтказиб туради. Уз ишларини қэтъий план асосида олиб боради. Уз билимини ошириш устида ҳам қайғуради. Ҳозир у — Тошкент давлат педагогика институтининг биринчи курс студенти.

Яқинда унга аъло хизмати, меҳнатга садоқати учун муддатидан олдин лейтенант унвони берилди.

Ш. НУРУЛЛАЕВ.

СПОРТ

ҮРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Москванинг «Динамо» командаси базасида ташкил топган СССР олимпия терма командаси футболчилари ҳозир Австралияда меҳмон бўлиб туришянти. Улар бу ерда бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказишади. Австралия терма командаси билан дастлабки учрашув Пертеда ўтказилди. Лекин 90 минут давомида ҳисоб очилмади. Шунга қарамай меҳмонларнинг устунлиги сезилиб турди. Гудаев ва Гершкович тенган тўплар икки марта дарвоза тўсинига тегиб қайтди.

Олимпия терма командаси составига динамочилардан ташқари бошқа клубларнинг пешқадам футболчиларидан Уткин, Пильгуй, Шепел, Козлов ва Гаврилов ҳам киритилган. Командага К. Бесков ва А. Севидов тренерлик қилишаяпти.

Одессада эса СССР ва Болгария ёшлар терма командаларининг ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Ҳисобни 70-минутда меҳмонлар ҳужумчиси Руси Гочев очди. Орадан икки минут ўтар-ўтмай командамиз аъзоси Вагиз Хидиятулин олисдан дарвозага тўпни аниқ йўналтириб, ҳисобни тенглаштирди.

ИШҚИВОЗЛАР ЁН ДАФТАРИГА

12 апрелда старт олган олий лига футбол командаларининг мамлакат XXXVII чемпионати 16 ноябрда тугади. Чемпионатнинг биринчи тўпини пахтакорчи Василис Хадзипанагис киритган эди. Сўнгги 544-тўпни эса Киев «Динамо»сининг энг кучли бомбардири Олег Блохин киритди. 23 ёшли бу футболчи шу мавсум давомида рақиб дарвозасини 18 марта аниқ нишонга олди. Чемпионатлар давомида эса у дарвозаларга 70 та тўп киритди.

Учрашувларда 1:0 ҳисоби 59 марта қайд этилди. 35 та учрашув эса 1:1 ҳисобида якунланди. Чемпионат давомида дарвозаларга тўпларнинг 350 тасини майдон эгалари, 194 тасини эса меҳмонлар киритишди.

Газетамизнинг навбатдаги сони 21 ноябрда чиқади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ

140-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975—76 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕБЕЛЧИ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ЁГОЧСОЗ СТАНОКЧИ, ДУРАДГОР, ПАРДОЗЛОВЧИ, ФАНЕРЧИ, ЁГОЧСОЗЛИК УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА СОЗЛОВЧИ.

Ўқиш муддати — 1 ва 2 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.


ЎҚУВЧИЛАР—кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Кирувчилар — қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Чоштепа кўчаси, 318-уй (18, 122, 131-автобусларнинг «Комсомольская» бекати).

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ



Хеннефлик (ГФР) Хельмут Вильден янги ихтиро қилган учувчи аппаратни унинг дўстлари ҳазил-мутойиба қилиб «Учувчи кресло» деб аташмоқда. Самолётнинг 20 от кучига эга бўлган икки тактли двигатели бир соатда 5 литргина ёнилғи сарфлайди, ҳолос. Соатига 60 километр тезлик билан юра оладиган бу аппаратнинг ердан ҳавога кўтарилиб олиши учун 15 метргина масофа кифоя қилади.

Хельмут Вильденнинг таъкидлашича унинг самолёти 3900 метр баландликка кўтарила олади. Бундан ташқари самолётнинг қанотларини қайириб қўйиб, автомобилларга прицеп сифатида тиркаб олиб юриш мумкин.

ДПА—ТАСС фотоси.



Суратда: ем-хашак тайёрлаш машиналари бўйича ихтисослаштирилган Бош конструкторлик бюроси ходимлари янги комбайннинг чизмасини кўздан кечирмоқдалар. КПВ-3 маркали машиналарни ишлаб чиқариш (пастда) тўқкизинчи бешйиллик давомида 12 марта кўпайди.

С. Залетов фотолари, ТАСС.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00—МОСКВА. 16.15 —Тошкент. 18.20—Қўғирчоқ фильм. 18.35 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 19.15 — Бугун — ракета қўшинлари ва артиллерячилар куни. 19.35 — Бутуниттифоқ оқсоқоли (Москва). 20.00 — **«Ахборот».** 20.15 Калинин ва Ўзбекистон. 20.30 — Ёзувчи ва замон. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Санъат усталари. М. Юсупов. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 18.15 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қувноқ нотлар. 19.35 — Беш йилликнинг якунловчи йили. 20.00 — Бугун — ракета қўшинлари ва артиллерячилар куни. 20.15— Концерт. 20.45— **Шимол келини** (бадиий фильм). 22.00 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 — Балли, қизлар. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Кинофильм. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55— Ҳужжатли фильм. 21.25 — Музикали чолғу асбоблари тарихидан 22.05 — **Адолат мактаби** (фильм-спектакль).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/XI да **Оқшомдан тушгача,** 20/XI да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/XI да **Туркман қизи,** 20/XI да **Ажаб савдолар,** 21/XI да **Хонума хоним.**

КИНО

Бобби — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Оқ қулоқчин — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА», «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Турк найзаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Африка филн — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Виннету — Инчу-Чун ўғли — «МОСКВА» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 21.00).

Айриллқ алами — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 01864. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26 Индекс 64634. Б—3476.